

ҚОРАКҮЛ ҚЎЗИЛАРИНИНГ АЙРИМ ФИЗИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ГЕЛМИНТОЗЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Худжанова Муаттар Абсаломовна

СамДТУ физиология кафедраси катта ўқитувчиси

Бобошеров Хуршид Хасанович

СамДТУ 1-сон Даволаши факултети 225- гурӯҳ талабаси

Аннотация: Мақолада қоракўл қўйларида учрайдиган гелминтозлардан марshallагиоз, нематодироз ва хабертияларнинг айрим физиологик кўрсаткичларига (тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас сони) таъсири ва оқибатлари ўрганилган.

Калит сўзлар. Қоракўл қўзилари, юрак уриши, пульс, антикоагуляция, преимагинал, постимагинал давр, гелментоз, хабертия, нематодироз, марshallагиоз.

Максад: Қоракўл қўзиларда физиологик кўрсаткичларни аниқлаш.

Мавзунинг долзарблиги. Моддалар алмашинувининг қайтарилиувчи биокимёвий реакциялари икки йўналишда яъни, юқори ва қўйи молекулали бирикмаларнинг парчаланиши ва синтезланиши билан кечади. Парчаланиш реакциялари иссиқликнинг ютилиши билан биргаликда кечса (эндотермик) ва аксинча синтезланиш жараёнида кўпчилик ҳолатларда иссиқлик ажратилиши билан (экзотермик) бирга кечади.

Модда ва энергия алмашинувида ҳал қилувчи рол биокимёвий реакцияларнинг катализаторлари ҳисобига тўғри келади. Ферментлар, гормонлар, витаминалар, инфекцион ва инвазион касалликлар тана ҳароратининг ўзгаришига таъсир кўрсатади.

Қоракўл қўзилари ҳам бошқа сут эмизувчилар сингари тана ҳарорати изотеримли бўлиб, ташқи муҳит ҳароратининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда барча орган ва тўқималар учун ҳароратни нисбий доимийлигини таъминлаши ҳаётнинг фаол тизимларидан биридир. Ташқи муҳит шароитларига боғлиқ бўлмаган терморегуляция физиологик механизmlар орқали таъминланади. Моддалар ва энергия алмашинувининг бошқарилишида бош ролни нерв тизими бажаради, шунинг учун изотермиянинг юзага келиши нерв тизимининг ривожланганилигига боғлиқ.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Тажриба учун 3-6 ойлик ёшдаги 25 та қоракўл қўйлари танлаб олинди. Шундан 12 боши марshallагиоз ва нематодироз, 10-нафари эса хабертия личинкалари билан заарланди. 3-нафари эса заарланмади ва тажриба варианти сифатида қолдирилди.

Тажрибада фойдаланилган ҳамма қўзилар бошқа табиий гелминтлар билан зарарланмайдиган шароитларга олинди ва боқилди. Қўзиларни тажриба ва назорат гуруҳларига тақсимлаш ҳайвонларнинг жинси, ёши, тирик вазнини хисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Одатда, тана ҳарорати ҳосил бўлаётган иссиқлик билан ажратилиб чиқарилаётган иссиқликни нисбатига боғлиқ бўлиб, тана ҳароратининг бир кечакундузлик ўзгарувчанлиги ҳайвонларда тўғри ичакдан ўлчанди.


Жадал алмашинув кечаётган ички органларнинг ҳарорати доимо ўртача тана ҳароратидан юқори, терининг ҳарорати эса паст бўлади. Ҳароратнинг бир кечакундузлик ўзгариши организмдаги пульснинг ўзгаришига, кислород қабул қилиш, қондаги қанднинг миқдорига, организмдан азотни чиқарилиши каби асосий жараёнларни ўзида акс эттиради.

Турли омиллар (инфекцион ва инвазион) таъсири натижасида терморегуляциянинг бузилиши натижасида тана ҳароратининг нормал кўрсаткичдан ошиб кетишига иситма ёки безгак деб аталади. Бу вақтда организмда моддалар алмашинуви жараёни кучаяди, айниқса оқсилларнинг парчаланиши ортади. Қон таркибида оқсиллар парчаланишидан ҳосил бўлган маҳсулотлари ортиши, манфий азот мувозанатини юзага келтиради ва оқсил минимуми ортади. Углеводлар ва ёғлар алмашинуви эса тезлашади, бу эса захира ҳолидаги гликогенни глюкозага айланишини жадаллаштиради натижада қўйлар организми ориқлаб кетишига олиб келади.

Оқсиллар ва ёғлар парчаланишининг кучайиши организмда катта миқдорда моддалар алмашинувининг оралиқ маҳсулотларининг тўпланишига олиб келади. Иситма ёки безгак пайтда физиологик функциялар бузилади. Юрак уриши тезлашади, бу эса қон босимининг кўтарилишига сабаб бўлади, нафас олиш тезлашади.

Тадқиқот натижалари. Биз ўз тадқиқотларимизда экспериментал гелминтозли (маршаллагиоз, нематодироз, ва хабертиоз билан зарарланган) қоракўл қўзиларида паразитлар инвазияси давридаги тана ҳароратининг ўзгаришлар динамикасини ўргандик. Уларда ҳароратнинг ўзгариш динамикаси тадқиқот даврларида турлича ўзгариб турди. Қоракўл қўзиларини гелминтозли зарарлантиришдан олдин тана ҳарорати аниқланганда биринчи гуруҳдагиларни ўртача ҳарорати $39,2^{\circ}\text{C}$, иккинчи гуруҳдагиларники $38,7^{\circ}\text{C}$ учинчи гуруҳдагиларники эса $38,4^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилди. Биринчи гуруҳдаги қўзиларни тана ҳарорати иккинчи гурухга нисбатан $0,5^{\circ}\text{C}$, учинчи гуруҳдагилар билан таққослаганда $0,8^{\circ}\text{C}$ юқори бўлганлиги билан фарқланди. (1-график). Ҳар учала гуруҳдаги қўзиларнинг тана ҳарорати адабий манбаларда келтирилган маълумотларга мос ҳолда эканлиги уларнинг норма чегарасида бўлганлигидан далолат беради.

Гелминтозлар билан заарланган қоракўл қўзилари тана ҳароратининг кўрсаткичлари.



Сўнгра гелминтозлар билан заарланган биринчи (маршаллагиоз) гурухдаги қўзиларни тана ҳарорати биринчи кунда текширилганда 40^0c га тўғри келди, иккинчи (нематодироз) ва учинчи (хабертиоз)ли гурухларда эса $39,3^0\text{c}$ тўғри келди. Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики ҳар учала гурухда хам тана ҳарорати бироз бўлсада кутарилган. Тадқиқотнинг бешинчи кунида тана ҳароратини ўлчаганимизда юқори ҳарорат хабертиозли қоракўл қўзиларда 40^0c , нематодирозли қўзиларда $1,1^0\text{c}$ га, маршаллагиозли қўзиларда $1,2^0\text{c}$ га паст эканлиги аниқланди. Кузатувнинг ўнинчи кунига келиб маршаллагиозли қўзиларда ўртacha $40,0^0\text{c}$ га туғри келди бу кўрсаткич дастлабкисига нисбатан олганда $0,8^0\text{c}$ га кўтарилган. Нематодирозли қўзиларда шу кунга келиб биринчи гурухдагидан $0,2^0\text{c}$ га кам бўлди, хабертиозли гурухдагиларда ўртacha 1 -гурухга нисбатан $0,9^0\text{c}$ га юқорилиги аниқланди. Ўнинчи кунга келиб гелментозлар фаоллигини бошланиши сабабли қўзиларни ҳарорати қисман бўлсада ортиб бора бошлади (1-диаграмма).

Кузатуларимизнинг ўн бешинчи кунида энг юқори ҳарорат нематодирозли гурухда $41,0^0\text{c}$ хабертериозда $41,0^0\text{c}$, ва биринчи гурух қўзиларида $40,5^0\text{c}$ кузатилди. Инвазион даврнинг 20-кунига келиб нематодирозли қўзиларда бироз $1,0^0\text{c}$ пасайиши, қолган гурухларда эса $0,5^0\text{c}$ кўтарилганлиги аниқланди. Тадқиқотнинг йигирма бешинчи кунига келиб барча гурухдаги қўзиларнинг тана ҳароратини кўрсаткичи 40^0c дан юқори бўлди. Айниқса 3-гурухдаги хабертиозли қўзиларда тана ҳароратининг 42^0c дан баланд бўлганини кузатдик. Қолган 1-, 2 гурухларда эса ўртacha $41,2-41,0^0\text{c}$ га teng келди.

Инвазион даврнинг 30-35 кунига келиб тана ҳарорати янада кўтарилишда давом этди. Маршаллагиоз ва нематодироз билан заарланган қоракўл қўзиларида $42,0^{\circ}\text{C}$ га, хабертиозли қўзиларда бошқа гуруҳларга нисбатан $0,2^{\circ}\text{C}$ га пастроқ эканлиги гувоҳи бўлдик. Келтириб ўтилган кўрсаткичларни дастлабки маълумотлар билан солиштирилганда 1-гуруҳдаги қўзиларда $2,8^{\circ}\text{C}$, 2-гуруҳдагиларда $3,2^{\circ}\text{C}$, 3-гуруҳдагиларда $3,4^{\circ}\text{C}$ даражагача ортиб борганлигини келтириб ўтишимиз мумкин. Бу даврда қоракўл қўзиларнинг умумий аҳволида лоҳаслик, иштаҳани пасфийиши кузатилди.

Тажрибанинг 40-45 кунларида 35-кунга нисбатан олганда ҳар учала гуруҳдаги қоракўл қўзиларида ҳам тана ҳароратининг бир оз пасая бошлаганини куришимиз мумкин. Маршаллагиоз билан заарланган гуруҳда $1,4^{\circ}\text{C}$ га, нематодирозли гуруҳда $2,0^{\circ}\text{C}$, хабертиозли гуруҳ эса $1,2^{\circ}\text{C}$ га фарқ қилди. 50-55 кунларда деярли тана ҳароратини ўзгариши кузатилмасдан сақланиб турди. 60-65 кунларга келиб эса қўзилар тана ҳарорати туша бошлади ва маршаллагиозли гуруҳдаги қоракўл қўзиларнинг ўртacha тана ҳарорати $39,5^{\circ}\text{C}$ га тўғри келди бу кўрсаткич дастлабки аниқланган ҳароратга нисбатан олганда унчалик катта эмас яъни $0,3^{\circ}\text{C}$ га фарқ қилди. Нематодирозли қўзиларда эса тадқиқотнинг бу қунида тана ҳарорати $38,8^{\circ}\text{C}$ га тушганлигини гувоҳи бўлдик ва бу ҳолат дастлабки кўрсаткичга нисбатан олганда $0,1^{\circ}\text{C}$ га юқори эканлигини қўришимиз мумкин. З-гурухга мансуб хабертиозли қўзиларда тана ҳарорати бошқа гуруҳдагилардан бироз юқорилиги $39,5^{\circ}\text{C}$ эканлиги кузатилди ва дастлабки маълумотлар билан таққосланганда $1,1^{\circ}\text{C}$ юқорилиги ва уларда 65 кунга келиб ҳам гелминтозларни таъсири кузатилаётганлиги маълум бўлди.

Хулоса. Олинган натижаларни таҳлил қилиб шундай хулоса қилишимиз мумкинки, экспериментал гелминтозлар билан заарланган қоракўл қўзиларда тажриба давомида тана ҳарорати 30-34 кунларга келиб юқори даражада кўтарилиганини улар танасида гелминтларнинг кўпайиши даврига тўғри келганлигини билдиради. Бу даврда ошқозон-ичак тизимида сўрилиш жараёнларни бузилиши, паразитлар ажратадиган токсинлар сабаб, яллигланиш жараёнларини кечиши билан тушунтирилади. Қоракўл қўзилари организмида гелминтозларнинг физиологик - клиник кўринишлари асосан ҳайвон организмининг индивидуал резистентлик қобилиятига шунингдек, инвазиянинг интенсивлигига ва албатта ҳайвоннинг ёшига боғлиқ ҳолда кечади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Xudjanova M.A.. Клиническое и физиологическое течение маршаллагиоза, нематодироза и хабертиоза овец. O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi. O'zbekiston Biologiya Jurnali 6/2022. 12-17 bet.
2. Vakhidova A. M., Khudzhanova M.A., Khudoyarova G. N., Alimova O.B.. Pathoanatomic Changes in Helminthic Diseases of Karakul Sheep. Cell Biology

- 2022; 10(1): 25-30. pp <http://www.sciencepublishinggroup.com/j/cb> doi: 10.11648/j.cb.20221001.13 ISSN: 2330-0175 (Print); ISSN: 2330-0183
3. Vakhidova A. M. Khudoyarova G. N., Khudzhanova M. A.. Mamedov A. I.
 4. Immunorehabilitation of Patients with Echinococcosis, Complicated by the Satellites of Echinococcal Cysts-Bacteria International Journal of Virology and Molecular Biology 2022, 11(1): 3-8. pp DOI: 10.5923/j.ijvmb.20221101.02.
 5. Худжанова. М.А, Курбанова.Г.А., Юлдашева Н.Б. Результаты рационального введения прикорма детям раннего возраста. «Метаболик синдром-муаммолар, ечимлар» Республика илмий – амалий конференциялар материаллари. Урганч-2019й.151-152-бетлар.
 6. Худжанова М.А., Исмаилов М..Ш., Исмаилова М.М. Қоракўл совлиқларининг кўпайиш сифатига наслли қўчқорларнинг таъсири ва улардан олинган қузиларнинг сақланувчанлиги.«Life Sciences and Agriculture» электронный научно-практический журнал. Выпуск:2. 2020. ISSN 2181-0761 DOI:10.24411/2181-0761 стр.102-106.
 7. Худжанова М.А,Алимова О, Хасanova С.Б. Ичимлик сувининг асосий алмашинувдаги роли. iScence Poland. MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS ISSUE 3(37) PART 2 APRIL 2021 ISBN 978-83-949403-3-3 122-126 бет.
 8. Худжанова М.А, Ахмадова Ф.Ш. Талабаларда вегетатив тонусга боғлиқ ҳолда психоэмоционал зўриқишининг юрак-қон томир фаолиятига таъсирини ўрганиш.Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований. Ежеквартальнй научно-практический журнал №02(1), 18 мая 2021 Специальнй вқпуск.
 9. Вахидова А.М., Худоярова Г.Н. ОПРЕДЕЛЕНИЕ СОДЕРЖАНИЯ СМЕШАННОЙ БАКТЕРИАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ В ЭХИНОКОККОВОЙ ЖИДКОСТИ. Биология ва тиббиёт муаммолари 1 (3), 55-57
 10. Вахидова А.М., Худоярова Г.Н. ОПРЕДЕЛЕНИЕ СОДЕРЖАНИЯ СМЕШАННОЙ БАКТЕРИАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ В ЭХИНОКОККОВОЙ ЖИДКОСТИ. Биология ва тиббиёт муаммолари 1 (3), 55-57
 - 11.Худоярова Г.Н, Эркинов Акбар, Кувондикова Орзигул, & Абдухаимова Сарвиноз. В ЛАБОРАТОРНЫХ УСЛОВИЯХ ОПРЕДЕЛЕНИЕ В ЭХИНОКОККОВОЙ ЖИДКОСТИ СМЕШАННЫХ БАКТЕРИАЛЬНЫХ МИКРООРГАНИЗМОВ.Ta’lim Innovatsiyasi Va Integratsiyasi, 8(1), 53–55. Retrieved from.
 - 12.Khudoyarova Gavhar Nurmamatovna, Vakhidova Adolat Mamatkulovna. THE VALUE OF THE BLOOD GROUP IN ECHINOCOCCOSIS. Teikyo Medical Journal 1 (Volume 46, Issue 01), 7611-7616.
 - 13.Xudjanova M.A.. Qorako'l qo'yalarining kupayish xususiyatiga kaliy elementining ta'siri. «Oziq-ovqat xavfsizligi milliy va global omillar» Xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiyalari materiallari. Samarkand-2019.16-17 oktyabr.